Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

YOŞLARNING IJTIMOIY – SIYOSIY GAZETASI | 1996 йил 24 апрель. Чоршанба. № 25 (14323)

ФРАНЦУЗ ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ПАРИЖ, 22 апрель (Фахриддин Низом ва Аброр Ғуломов хабар қиладилар). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча, 21 апрель куни Франция Республикасига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов бугун Елисей саройида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак жаноби олийлари билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбек-француз алоқалари узоқ тарихга эга экани алоҳида таъкидланди. XV асрнинг бошларида буюк соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмалар бунинг ёрқин далилидир. Франция Президенти Ўзбекистон Президентига Амир Темурнинг 1402 йили Карл VIга йўллаган мактуби нусхасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида бугун Франция Республикасининг Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галланни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув тугагач, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Франция Республикаси Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галлан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция Республикаси ҳукумати ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Франция Республикаси ҳукумати ўртасидаги молиявий протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикаси Миллий Кенгашига ташриф буюрди. Ўзбекистон — Франция Парламент гуруҳи вакиллари иштирокида бўлиб ўтган зиёфат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Президент И. Каримов Франция Миллий Кенгаши раиси Ф. Сеген билан ҳам учрашиб, суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги

ЎЗБЕК—ФРАНЦУЗ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Париж, 23 апрель (Фахриддин Низом ва Аброр Ғуломов хабар қиладилар). «Креди коммерсиаль де Франс» банки 22 апрель куни кечқурун Жакэмар Андре номидаги қаср-музейда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига зиёфат берди. Ислом Каримов зиёфатда ҳозир бўлган Франциянинг етакчи банклари ва компаниялари раҳбарларига Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонлар билан узаро манфаатли ҳамкорлик учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб берди. Президентнинг фикрича, ўзбек-француз алоқалари жадал ривожланиб бораётган бўлса-да, иккала мамлакатнинг имкониятлари даражасида эмас. Ҳолбуки, Ўзбекистон ва Франция иқтисодиётининг бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган жиҳатлари ниҳоятда кўп.

Шу куни ЮНЕСКО қароргоҳида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзусида халқаро илмий конференция иш бошлади.

Ўзбекистонлик санъат усталари Парижнинг «Одеон» театрида катта концерт дастурини намойиш этишди.

***

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда «Фигаро» газетаси ва «Пари матч» журнали мухбирларини қабул қилди. Президент мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, уларга Ўзбекистондаги бугунги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳвол, унинг Марказий Осиё минтақасида тутган жуғрофий — сиёсий ўрни, МДҲ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа давлатлари билан ўрнатаётган алоқалари, ривожланиб бораётган ўзбек-француз муносабатлари тўғрисида сўзлаб берди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Франция ҳукумати аъзоси, француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар бўйича давлат котиби Маржи Сюдер хонимни қабул қилди. Қабул ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Шу куни Париж шаҳри савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига зиёфат берди. Зиёфат чоғида Ислом Каримов француз ишбилармон доиралари вакиллари ҳузурида нутқ сўзлаб, хорижий сармоядорлар учун Ўзбекистонда яратилаётган ҳуқуқий асослар ва имтиёзлар хусусида гапириб берди.

Президентнинг Францияга сафари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» Ахборот агентлиги

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ — ТЎҒРИ ЙЎЛ

Мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташкил этилиши, айтиш мумкинки, ойнинг муҳим воқеасига айланди. Шу муносабат билан таҳририятимизга келаётган мактублар билан танишиб, Фармон ёшлар қалбида умид учқунлари уйғотганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳар бир мактуб замирида чуқур миннатдорчилик туйғуси ётибди. Фармон ёшлар фаолиятига янгича руҳ, куч-қувват бахш этишига шубҳа йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ РАҲБАРИЯТИ

Вазирлар Маҳкамасида 19 апрель куни Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси таъсис конференцияси бўлди.

Таъсис конференциясида «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси этиб республика Президентининг Олий Мажлисдаги вакили Хотам Абдураимов, бошқарув раисининг биринчи ўринбосари этиб Муқимжон Қирғизбоев, раис ўринбосарлари этиб эса Алишер Тешабоев ва Комилжон Юсупов сайландилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ АБДУРАИМОВ ХОТАМ МАҲКАМОВИЧ

1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1972 йилда Тошкент политехника институтини тугатган. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси физика-математика институтидан бошлаган. Узоқ йиллар ёшлар ташкилотларида ишлаган. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи муовини лавозимларида фаолият кўрсатган.

1994 йилда Республика Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. 1995 йилнинг май ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисдаги вакили.

Хотам Абдураимов иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўл-йўриқларини ўргатишда зарур малакага эга. Янгиликка интилувчан ва ташаббускор.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ҚИРҒИЗБОЕВ МУҚИМЖОН

Наманган вилояти Норин туманидаги Туда қишлоғида 1948 йилда туғилган. Миллати ўзбек. Андижон Давлат педагогика институтида ўқиган. Тарих фанлари номзоди.

М. Қирғизбоев меҳнат фаолиятини Андижон давлат педагогика институти ўқитувчилигидан бошлаган.

1991 — 1993 йилларда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби лавозимларида ишлаган. 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти.

М. Қирғизбоев мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ғайрат билан меҳнат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўз маърузаси билан қатнашиб туради. Жамоат ташкилотлари билан ишлашни яхши билади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ТЕШАБОЕВ АЛИШЕР ЎРИНБОЕВИЧ

1964 йилда Фарғона вилояти Қува туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси аъзоси. Маълумоти олий. Мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос.

1986 йилнинг июнидан 1987 йилнинг декабригача Қува тумани матлубот жамиятларида юрист-консультант бўлиб ишлаган. Ёшлар Иттифоқи Фарғона шаҳар ва вилояти қўмиталарини бошқарган.

1993 йил декабрида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби лавозимига сайланган.

Алишер Тешабоев ёшлар билан ишлашда катта тажрибага эга. Ёшлар муаммоларини яхши билади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар ва усмирларнинг куч-ғайрати ҳамда билимларини Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга сафарбар этишда зарур малакага эга.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ЮСУПОВ КОМИЛЖОН ТУРСУНОВИЧ

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида 1957 йилда туғилган. Миллати ўзбек. Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини битирган. Халқаро миқёсдаги спорт устаси.

1990 йилги Олимпиада ўйинлари қатнашчиси. Юртимизнинг довруғини дунёга ёйишда муносиб ҳисса қўшган. Ўзбекистон миллий кураш федерацияси ташкилотчиси ва шу федерациянинг раиси.

1992 йилдан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини теран англайди.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси эртага, 25 апрель куни соат 10 да Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар, эртага 25 апрель куни соат 8 дан Олий Мажлис мажлислар залининг фойесида руйхатга олинади.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ХАВФСИЗЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР» СИМПОЗИУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚУТЛОВ

Симпозиумнинг ҳурматли иштирокчилари ва меҳмонлари, Сизларни қадимий Ўзбекистон тупроғида самимий муборакбод этаман ҳамда Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий можаролар» симпозиумининг ўтказилиши муносабати билан чуқур мамнуниятимни изҳор қиламан. ЕҲХТ ҳомийлигида ўтаётган мазкур анжуманда кўплаб мамлакатлар вакилларининг учрашуви Европанинг бу нуфузли ташкилоти ўзининг амалий қадамлари билан Хельсинки битимлари ғояларини ҳаётга татбиқ этаётганини, Марказий Осиё минтақаси муаммолари ҳамда уларни ечиш йўлларини диққат марказида тутиб турганини яна бир карра тасдиқлайди.

Биз бу симпозиумга Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш-семинарнинг мантиқий давоми ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг минтақавий ва оламшумул даражаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида очиқ ва самарали мулоқотга тайёрлиги, деб қараймиз.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг қитъада вужудга келган янги жуғрофий-сиёсий шароитда минтақанинг муаммо ва эҳтиёжларига эътибор беришга интилиши давлатларнинг бу ташкилотга ҳурматини янада оширади.

Бундай симпозиумлар минтақавий муаммоларни ҳал қилиш йўллари хусусида кенг фикр алмашиш имконини беради.

Ўзбекистон ЕҲХТ билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда ҳамда бу самарали мулоқотни янада чуқурлаштиришга тайёр.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент симпозиуми барча иштирокчилари ва меҳмонларига анжуманда самарали ва муваффақиятли ишлашларини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Спорт

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида бўлиб ўтган футбол бўйича Марказий Осиё ўсмирлар биринчилиги мусобақасида Ўзбекистон терма командаси ғолиб чиқди.

Чемпионат талабларига муваффиқ, командалар 1980 йилда туғилган ёш футболчилардан тузилган эди. Мусобақада Марказий Осиё мамлакатларидан ташқари, Хитой терма командаси ҳам иштирок этди. Аммо ўзбекистонликлар чемпионликка даъвогарлик қилаётган Хитой футболчиларини доғда қолдиришди. Улар икки учрашувда ҳам дарвозанинг дахлсизлигини таъминладилар. Бу Хитой футболи ҳужумкорлигини яхши биладиган мутахассислар учун кутилмаган воқеа бўлди.

Республикамиз ёшлар терма командаси ана шу иккита дурангдан бошлаб, Қирғизистон командасини икки марта бир хил натижа — 2:0 ҳисоби билан мағлуб қилдилар. Ўзбекистонликлар қозоғистонликлар билан бўлган иккала учрашувда ҳам яхши ўйин курсатиб, биринчи учрашувни 3:0, иккинчи учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилдилар. Шу тариқа 14 ҳол тўплаган ёш футболчиларимиз турнир ғолиби бўлди.

Иккинчи ўринни Хитой терма командаси, учинчи ўринни қозоғистонликлар эгаллади.

Ўзбекистон ўсмирлар терма командасининг ютуғида бош устоз Исҳоқ Тошмуҳаммедовнинг ҳиссаси катталигини таъкидлаш лозим.

Миннатдор қалблар туйғуси

ДИЛИМИЗ РАВШАН ТОРТДИ

Не бахтки, юртдошларимиз мустақилликнинг бешинчи баҳорини қаршилашяпти. Беш йил узоқ тарих олдида жуда қисқа муддат. Шу вақт орасида мамлакатимизда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда ёшларнинг ўрни ҳам беқиёс. Юртбошимиз ёшларга алоҳида эътибор бермоқда. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан қанчалаб тенгқурларимиз хорижнинг энг нуфузли олийгоҳларида таълим олмоқда. Буни мустақиллик берган бахт деса бўлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, биз — бухоролик ёшлар бениҳоя хурсанд бўлдик. Дилимиз равшан тортди. Қайси бир мамлакатда ёшларга биздагичалик эътибор берилаяпти? Биз талабалар ана шундай саволни бир-биримизга бериб кўрдик.

Қайси мамлакатда ёшларга ҳукумат томонидан ҳар томонлама эътибор берилса ўша юртнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Биз талабалар Президентимизнинг ғамхўрлиги учун аъло ўқиш, намунали хулқимиз билан жавоб берамиз. Керак бўлса Она-ватанимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишга тайёрмиз. Бу гапларимни баъзилар баландпарвоз сўзлар дейиши мумкин. Йўқ. Ўз Ватани ва миллати келажаги учун жон куйдирмаган инсонда юртига нисбатан эътиқод бўлмайди.

Гулчеҳра ЖЎРАҚУЛОВА,
Бухоро Давлат университети 3-курс талабаси.

БАҲОРИЙ МУЖДА

Ҳар фаслнинг ўз ҳислати, ўз фазилати бўлади. Лекин негадир менга фасллар келинчаги бўлмиш баҳор кўпроқ ёқади. Балки негадир шу дамда ҳамманинг кунгли яшаришга, янгиланишга иштиёқманд бўлиб туриши билан боғлиқдир. Билмадим, билганим эса...

Бу йил ҳам кўклам ҳар галгидек баҳорий муждаларга бой бўлди. Жумладан, Президентимиз куни кеча имзо чеккан «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисидаги Фармон ҳаётимиз зарварақларини безаб турғучи катта воқеалардан бири бўлганлиги шубҳасиз.

Ёшлар жамиятнинг энг фаол бўғини эканлиги ҳаммага маълум. Аммо тан олиб айтишимиз керакки, йигит-қизларимиз ҳамиша ҳам ўз имкониятлари доирасида фаолият олиб боролмасдилар. Оддийгина қилиб айтсак, «қўллари қалталик» қиларди. «Камолот» айни шу маънода, замонавий ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратиб бера олувчи жамоат ташкилоти эканлиги билан ҳам қадрлидир. Биз ёшлар ўз навбатида бу улкан масъулият ва эътиборни чин юракдан ҳис этишимиз керак.

Туркман ТОШТЕМИРОВ,
Нуробод туман «Олға» қишлоғи.

КАТТА БУРИЛИШ

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, ёшлар ҳаётида катта бурилиш ясалганини чин юракдан ҳис этдим. Бошим осмонга етди. Юракдаги ҳаяжонимни яширолмай, кунгил етарларга, дуст-биродарларга қунгироқ қилиб, уларни хушхабар билан қутладим. Менимча, бу юксак фармон замирида катта ҳақиқатни барча бирдек англади.

Бизда кўп йиллардан буён батамом ҳал этилмаган бир муаммо бор эди. Яъни ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиши учун яратилган имкониятларнинг самарадорлигини ошириш, уларга мустақил равишда ҳуқуқий, иқтисодий билим олиш, тадбиркорлик, ишбилармонликда фаолият курсатишни рағбатлантириш учун амалий-иқтисодий ёрдам кўрсатолмас эдик. Худо хоҳласа, жамғарманинг қўмаги, фаолияти асосида бундай муаммолардан тезда халос бўламиз.

Шу ўринда Фармондаги бир банд ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз: «Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида у устав доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан беш йил муддатга озод этилсин». Бу ғамхўрлик, бу рағбатни ҳеч таъриф-тавсиф этиб бўладими? Буларнинг барчаси тараққиётимизнинг ҳар бир дақиқаси теран маъно — мазмун касб этаётганидан далолат беради.

Нарзулло ҲАЗРАТОВ,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилояти қўмитаси биринчи котиби.

ПАРВОЗИМИЗ БАЛАНД БЎЛАДИ

Юрт бозорларининг тўкинлиги кўпроқ деҳқонларга, фермерларга, бир сўз билан айтганда, тадбиркору, ишбилармонлар фаолиятига боғлиқ. Худога шукрлар бўлсинки, бозорларимизни кўриб кўзинг қувонади. Ҳамма жойда тўкин-сочинлик. Энг асосийси меҳнат қилиб, пул топиб, роҳат-фароғатда яшайдиган давр келди. Тадбиркорликка кенг йўл очилди. Республикамизнинг қайси бир туманида бўлманг, янги ишга тушган қўшма корхонага ёки кичик корхонага кўзингиз тушади. Бу жойларда ишлаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармони биз тадбиркорларни янада ишонч билан фаолият юргизишимиз учункатта йўл очиб берди. Айниқса Фармоннинг «ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам курсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш» жамғарма фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланганги эътиборга олинсин» сингари жумлалари биз ёш тадбиркорларнинг дилидаги гаплар бўлди. Бир тадбиркор сифатида шуни айтмоқчиманки, ушбу Фармон биз ёшларга қанотдир. Қанот бақувват бўлса парвоз юксак бўлади.

Ғулом ҲАҚҚУЛОВ,
Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Шулликтепа қишлоғи.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

20 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг навбатдан ташқари IV пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдан ташқари Қурултойини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ Қурултой шу йилнинг 26 апрель куни Тошкент шаҳрига чақириладиган бўлди.

Шунингдек, пленум Қурултойга вилоятлардан вакиллар курсатилиши тартибини тасдиқлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисдаги доимий вакили, Олий Мажлис депутати Х. М.Абдураимов қатнашди ва нутқ сўзлади.



Кимдир ишонар, кимдир ишонмас: лекин Матлуба ёшлигиданоқ чорвадор бўлишни, бепоён яйловлардаги сурувлар ортидан юришни ҳавас қиларди. Улғайгач, ҳаваси мақсадга айланди. Мана бир неча йилдирки у сурув ортидан кезади. Ўзининг ҳалол меҳнати билан Шеробод туманидаги «Кўҳитанг» жамоа хўжалигининг чорвачилиги юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Суратларда: яйловда сурув ва ёш чўпон Матлуба Боймуродова.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзА).



Амир Темур йили

АЖДОДЛАРИ ВАСИЯТИНИ УНУТМАГАН МИЛЛАТ БАРҲАЁТДИР

Узбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонасидан хабар қилишларича, Лохур шаҳрида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган анжуман бўлди. Уни республикамизнинг Покистондаги элчихонаси билан «Покистон— Узбекистон иқтисодий ва маданий маркази» жамоат ташкилоти уюштирди. Учрашувда мазкур марказнинг фаоллари, жамоатчилик вакиллари, ёзувчилар, журналистлар иштрок этди. Дуст мамлакатга ташриф буюрган Узбекистон хотин—қизлар делегацияси аъзолари анжуманнинг фахрий мехмони бўлишди.

Анжуманда маъруза қилган Узбекистон Республикасининг Покистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Наим Ғаибов Амир Темурнинг тарихий хизмати, буюк аждодимизнинг номини дунёга ёйган ишлари хусусида батафсил гапирди. Шунингдек , Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ, мамлакатимизда «Амир Темур йили» юбилей дастури бўйича ўтказилаётган тадбирлар тўғрисида ҳам сўзлаб берди.

Панжоб вилояти парламенти раиси Ханиф Рамей учрашувда сўзга чиқиб, Амир Темурнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини юқори баҳолади. Қудратли давлат тузган Амир Темурнинг мамлакатда қонун ва адолат устиворлигини ўрнатишга эришганини алоҳида таъкидлади. Зеро, бусиз мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиб, фуқаролар ҳаёти ва қадр-қийматини ишончли ҳимоя қилиб бўлмайди. Ёзувчи Саира Ҳашмий яқинда Узбекистонда бўлиб, Тошкентда Амир Темур ёдгорлигини зиёрат қилгандан сўнг, таассуротлари натижасида ёзган эссени ўқиб берди. «Миллат ўз ёвқур аждодлари хотирасини ёд этиб, улар васиятига амал қилсагина барҳаётдир, — дейилади шоира асарида. Бугунги кунда Узбекистоннинг озод халқи шу ақидаги амал қилиб, ўз йўлидан ишонч билан бормоқда».

Лохурда ўтказилган анжуман матбуотда кенг ёритилди ва Покистон миллий телевидениеси орқали кўрсатилди.

(ЎзА)

Тарихга бир назар

«МОЗИЙ — ИСТИҚБОЛНИНГ ТАРОЗУСИДУР»

Жадидчилик — XIX аср охири — XX аср бошида Марказий Осиёда вужудга келган илғор ислоҳий ҳаракатдир. Жадидчилик маорифни тубдан ислоҳ қилиш ва маданиятни тараққий эттириш ҳамда эскириб қолган ақидаларни бартараф этиш мақсадида майдонга чиқди. 1915—1917 йилларда жадидчилик мустамлака қарамлигидан қутулиш ва миллий бирликни мустаҳкамлашдек вазифаларни кўзлаган сиёсий ҳаракатга айланди.

1917 йил бошида Туркистон жадидлари маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини ўлка бошқаруви ишида кенгайтириш ва маҳаллий аҳолига Давлат Думасидан муносиб ўрин ажратиш талабини илгари сурдилар. Бундан ташқари улар миллий матбуот эркинлиги ва мустабид тузумни конституциявий тизим билан алмаштириш талабини қўйишди.

Россияда 1917 йил февраль демократик инқилобидан сўнг улар Туркистонда Россия Федерацияси доирасида мухторият ва миллий территориал мустақилликни қўлга киритиш учун курашдилар.

Жадидчилик ҳаракатининг ҳосиласи сифатида миллий-озодлик мафкураси тикланди: Шурои-Уламо, Шурои-Исломий, Иттифоқ ал-муслимин, Турон каби миллий сиёсий партия ва ташкилотлар вужудга келди. Жадидларнинг бир қисми 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг маориф тизимида хизмат қилди, бошқа бир қисми «Туркистон мухторияти» Қўқонда мустақил Республика тузиш ҳаракатида қатнашдилар. Жадидчиларнинг мана шу қисми большевиклар томонидан йўқ қилинди. 1937 йилга келиб барча жадидлар қириб ташланди.

Миллат ўз тарихини билмай ўзлигини англамайди. Бусиз келажакка назар ташламоқ ҳам душвор. Кўп йиллар жадидлар фаолиятини ўрганиш таъқиқлар гирдобида эди. Эндиликда мустамлака сиёсатининг «нағма»ларини афсус-надоматлар билан эслаймиз, холос. Бугун, шукрки, ўз ихтиёримиз ўзимизда. Зеро тарихимизнинг очиқ қолган ўринларини тўлдиришимиз Юртбошимиз таъкидлаганларидек, буюк меросимизни халққа етказиб, одамларимиз онгида миллий ғурур туйғусини уйғотишимиз даркор.

Ёш олима профессор Ингеборг Балдауф ҳоним юртимиз тарихи, хусусан жадидчилик билан шуғулланади. Олмонияда бўлганимда у бизни уйига таклиф қилди. Ушанда ҳонада осилган суратларга бехосдан кўзим тушиб қолди. Яқинроқ бориб қарадиму, ҳайрат билан суратлардаги Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқа жадидларнинг сиймоларини танидим. Ингеборг хоним уларнинг фаолиятларини ўрганиб қолмай, бу сиймоларни буюк Олмон мутафаккирлари билан бир қаторга қўяди. Дарҳақиқат, 1926 йилдаёқ жадидлар замондоши бўлган шарқшунос олим Лазиз Азизода Маҳмудхўжа Беҳбудийни атоқли француз мутафаккири Жан Жак Руссо билан Ломоносов, Чернишевский, Добролюбов каби рус ҳамда Фатали Охундов ва Нажафбек Вазиров каби озорбайжон маърифатпарварлари билан тенглаштирган эди. Октябрь инқилобига қадар юртимиз маърифати, маданияти, қолаверса сиёсий фаолсизлиги тўғрисидаги тарихчиларнинг ёзган фикрлари асоссиз эканлигига энди амин бўлдик. Жадидлар ўтмишни таҳлил қилиш билан Ватан тараққиётини белгилашга ҳаракат қилганлар. Улар Шарқ маданияти каби Европа маданиятини ҳам чуқур ўрганишган эди. Бу эса М. Беҳбудийни «Қонуний Овруп0», А. Фитратнинг «Рахбари нажот» асарларининг дунёга келишига туртки бўлган. Уша давр руҳияти учун бу катта бир янгилик эди. Бошқа мамлакатларнинг, халқларнинг ҳаётини ўрганиб, афзал томонларини қадимий маданият бешиги бўлмиш ўлкада тадбиқ этишга ҳаракат қилган эдилар. Бугун биз жадидчи ота-боболаримиз бошлаб берган тамойилларни давом эттираяпмиз десак муболаға бўлмас. Жадидлар ислом дини ва тараққиёти бир-бирига қарама-қарши қадриятлар эмаслигини, улар бир-бирига ўзаро боғлиқлигини ташвиқ этишарди. Чунончи, Абдурауф Фитрат ўзининг «Баёноти сайёи Ҳинди» асарида шариат ҳукмларини нотўғри талқин қилгувчиларни ёзади ва ислом дини асосларини тўғри баён қилиб беради.

Жадидларнинг дунёвий илмларни эгаллашга ҳам иштиёқлари кучли бўлган. Инчунун, Самарқанд шаҳрида яшовчи Беҳбудий домла таниқли муфтий бўлиши билан бирга Европа мамлакатларининг ҳуқуқ фанларини, қўплаб давлатларнинг ноширлик, банк тизимларини, архитектура санъатларини ўрганди. Намангган-нинг Турақўрғонида яшовчи Исҳоқхон Ибрат Жидда, Истамбул, Софийа, Афина, Рим, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлиб, таҳсил олган. Француз, инглиз, урду, форс, иврит, араб тилларида бемалол гаплашган. Ҳуқуқшунослик илмида ном чиқарган тошкентлик Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев иқтисод ва банк тизимларини мукаммал ўрганиб чиққан эди. Туркистон шаҳарларининг иқтисодиётини таҳлил қилиб «Садои Туркистон» газетасида чоп этилган «Турли ўринлар» номли мақоласида ёшларни тижорат, тадбиркорлик билан шуғулланишга чақиради.

Жадидлар фаолиятига оид кўплаб тадқиқотлар, мақола ва рисолалар нашр этилди. Лекин унинг сиёсий аҳамияти, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ғоявий асосларига ҳамоҳанглиги, давлатни қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш каби мавзулар ҳали ўрганилмаган.

Республикамиз Президенти нутқларини эшитганимда ҳаёлимга беихтиёр жадидлар фаолияти келади. Бу табиий. Боиси, арабча «жадид» сўзининг луғавий маъноси «янги» демакдир. Бугун биз мустақиллик шароитида жадидлар орзу қилган эркин демократик давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролар жамиятининг шакланиш жараёнини, ёки бошқача айтганда ўзига хос жадидчиликнинг янги кўринишини бошимиздан кечираяпмиз.

Беҳбудий домланинг айтган гаплари бугунги кунда ҳам долзарбдай: «Энг аввало ички зиддиятларни кўнгилдан чиқариб, бирлашиш даркор. Барча миллат вакиллари иштирокида шундай Туркистон ҳукуматини ва парламентини таъсис этиш зарурки, унда Туркистон мусулмонлари шариат ва одатларига ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсинлар. Туркистонда яҳудий, насроний ва мусулмон халқларининг манфаатларини эътиборга олатурғон қонунлар тузилсин...

Узимиздан бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлсин. Ўз миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарзи маишатини ўзимиз тайин қилурмиз». («Улуг Туркистон» 1917.12 июнь).

Бу тўйғу мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида жўш ураётир десам янглишмайман. Негаки жамиятда рўй бераётган ҳар қандай воқеалик шу жамият аъзосига таъсир қилмай қолмайди.

Узоқ йиллар мобайнида биз мустабид тузум қўйган таъқиқлар чегарасидан ўта олмадик. Жаҳон фани янгиликларидан узиб қўйилган эдик. Бугунга келиб республикамиз олимларининг кўпи чет эллик олимлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар. Бу ҳамкорлик мустақил давлатимизнинг илмий салоҳияти нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Нима сабабдан XX аср бошида Марказий Осиёда пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди? Биринчидан, шу даврга келиб жамият маърифат ва маданият сарчашмаларидан узоқлашиб қолган эди. Иккинчидан, жадидлар дунёда фан ва техника, маориф соҳаларида анча орқада қолиб кетганлигимизни тушундилар ва шулар замирида инқироз ботқоғидан чиқиб кетиш йўлларини излай бошладилар. Учинчидан, туркий қавмларнинг бирлашиши ҳамда қўшни мусулмон давлатларидаги халқларнинг, Русиянинг худудида яшовчи мусулмонларнинг якдил бўлиши инқироздан чиқиб кетишнинг асосий шартларидан бири, деб таъкидлашди. Бу ерда мусулмонлар деган тушунча фақат диний тарафдорликни билдирибгина қолмай, этник келиб чиқиш маъносини ҳам англатади. Жадидлар турли сиёсий фирқаларнинг, ҳаракатларнинг узаро ихтилофлари Туркистон ўлкасининг мустамлакага айланишига имкон яратиб бераётганлигини сезиб, халқларни бирлашишга, бир тану бир жон бўлишга қайта-қайта даъват этдилар. Улар мустақилликка қон тўкмай, қурбонларсиз, ҳеч қандай инқилобларсиз парламент йўли билан эришиш тарафдорлари бўлишган.

1917 йилнинг февраль инқилобидан сўнг Русияда давлат тизими ҳақида масалалар кўрилаётган вақтда, Туркистон вакиллари Русия федератив тизими учун ошкора курашдилар. Чунки бунинг замирида Туркистон ўлкасининг мухторияти масаласи ётган эди. Жадидларнинг фикрича, мамлакат ривожланишининг муҳим шартларидан бири — кекса авлод билан ёшларнинг муштарак мақсадлар йўлида бирлашиши эди. Зеро, миллий тарихимизга бир назар соладиган бўлсак, Захириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида, Муҳаммад Тарағай Улуғбек 17 ёшида подшоҳлик тахтига ўтирганларини кўрамиз. Демакки, ота-боболаримиз фарзандларига масъуллиятли, ишонч каби туйғуларни ёшлигидан шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Ҳозирги пайтда ҳам ёшлар масъулиятли, ишончга сазовор бўлгилари келади, улкан ишларга қўл уришни хоҳлайдилар. Бу хоҳишнинг муваффақиятли амалга ошиши эса уларга берган тарбиямизга, ватан ҳиссини қанчалик сингдира олганимизга қолаверса, бошқа миллатлардан ўзини устун қўймаган ҳолда миллий ғурур туйғусини тушунтира олишимизга боғлиқ.

Шубҳа йўқки, кўҳна тарихимиз руҳиятида, улумларида тарбияланган мустақиллик шарофати билан АҚШ ва Европанинг энг обрўли университетларида таълим олиб келган ёшларимиз юртимизда фан ва маданият ривожининг муносиб фарзандлари бўлиб қолдилар. Юқорида айтилган бу фикрлар билан жадидлар фаолияти орасида ўхшашлик томонлари бор, албатта. Сабаби, жадидлар чет элда сабоқ олишган бўлиб, маданият ва фанни жаҳон талаблари даражасига кўтаришни ният қилган эдилар. Улар Марказий Осиё тарихида илк бор Европа типидаги театр ташкил этиб, маданиятимиз соҳасида ўзига хос янгича йўналиш очиб бердилар. Тараққиётга, илм олишга ундовчи драмалар, пьесалар намойиш қилинди. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир қаламларига мансуб оташқалб шеърлари айниқса ёшлар юрагида учмас из қолдирди. Чўлпоннинг қуйидаги мисраларини эслайлик:

Ер юзида ўзга бир олам
эрур бизнинг ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан
кенг, ҳар диёрдан катакон.
Бу Ватанни жон билан
сақлашга Чўлпон ҳозир ўл,
Кимки қасд этса анга
кийсин
пушаймондин кафан!

Маданий мерос, миллий мафкура масалалари жадидларнинг диққат марказида бўлган. Шу боис улар доимо ўтмишга, халқимизнинг тарихига мурожаат этиб келишган. Маҳмудхўжа Беҳбудий «Мозий — истиқболнинг тарозусидир» деган, яъни ўтмишни ўрганиш келажакка тўғри йўл танлаш деб ҳисоблаган.

Эътиқоди мустаҳкам, бутун билим ва кучларини она юрт манфаатларига бағишлаган жадидлар тарихини илмий ва тарбиявий мақсадларда ўрганилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг катта тарихий воқеаси бўлиб қолажак. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Хожи Муин, Абдуқодир Шукурий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошпулат Норбўтабеков, Ашурали Зоҳирий, Саидаҳмадхўжа Васлий Акобир Шомансурзода, Эшонхўжахон ва Хонхўжахонлар, Бухорода фаолият кўрсатган Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдуқодир Муҳитдинов, Абдулхамид Бурхонов, Усмонхўжа Пулатхўжаев, Мукомил Бурхонов, Отаулла Хўжаев,Хивада яшаган Полвонниёз Юсупов, Бобоохун Салимов, Мулла Жуманиёзов, Султонмуродов ва яна кўплаб жадид фидойиларини ёшларимиз ҳам, кекса авлодларимиз ҳам билишлари лозим.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори.

Кечмиш

Савдогарга яхши...

Гап яшаш ҳақида бўлса, кўпчиликнинг фикри шундай бўлади. Негаки, кўзимиз ўрганиб қолган — зўр кийим, янги машина, ҳашаматли уй... Ҳаммасиники эмас, албатта. Шу йўлни тутганларга ростдан ҳам «мазза» ми? «Бўлмаса — чи!» дейишади кўпчилик. Тўғри, бу соҳада пул топиш осон. Баъзилар учунгина. Битта ўқитувчининг бир ойлик иш ҳакини «бизнесмен» бир ҳафтада ёки бир кунда, айримлари эса бир соатда топиши мумкин. Аммо...

Бир аёлни танийман. Исмини билмайман-у, ўзини уч йилдан бери ҳар ҳафтада учратаман. Қишлоққа кетаётганимда ҳам, қайтаётганимда ҳам автобусда ўтирган бўлади. Одамларнинг айтишига қараганда, у аёл шаҳарга ҳар куни келаркан. Сумкасида доимо бир неча ароқ, нари борса, майда-чуйдалар бўлади. Уч йил аввал ҳам эгнида эски чарм камзули бор эди. Ҳозир ҳам ўша кийимда. Билсам, ароқдан, бошқа нарсалардан тушадиган фойдага яшар экан. Ортиқча пул топишга қурби етмайди, лекин одамлар орасида «савдогар» деган номи бор. «Тинмади-да, бу аёл» дейди бир кекса киши унинг тўла сумкани қийналиб кўтарганча автобусга яқинлашиб келаётганини кўриб. Нимаям қилсин, рўзғор тебратиш осон эмас-да, гарчи савдо йўлини тутган бўлса ҳам.

Яна... Қишлоқда автобус кутиб тургандим. Ранги чўкиб қолган бир йигит олдимга келиб, Исмат деган кишини сўради. Мен елкамни қисдим. Унинг авзойи бузуқ эди, ерга «чирт» тупуриб, ичида ғудраниб бир нималар деди.

Кейин, суҳбатлашиб қолдик. Исми Тошпулат экан. — Алдаб кетди, аблаҳ, — дейди у. — Узим қашқадарёликман. Ўргутга кеча келувдим. Бир йигит билан танишиб қолдим. У ҳам савдогар экан. Исмим Исмат, қўлқишлоқликман, дейди. Бирга бозор айландик, бирга ўтириб ичдик, овқатландик. Мен икки қоп кийим-кечак олдим, у икки қути шаколад харид килди. Таксига чиқдик. Шунда у «Жўра, шу пулга тўртта нон олиб келинг, еб кетамиз. Мен жуда толиқдим» деб қўлимга 50 сум тутқазса, лаққа ишонибман. Нон олиб келсам, таксидан ном-нишон йўқ...

Суриштира, суриштира, мана, Қўлқишлоқниям топдим. Лекин, кимдан сурамай, бизда Исмат деган йигит йўқ, дейди... Ишқилиб, ёмон «тушдим».

Унинг ҳолати йиғлагудек эди. Ахир икки қоп кийим-кечак... оз нарса эмас-да.

... Айтишларича, савдонинг ўз қонуни бор эмиш: 5-3=2 деган. Яъни, беш киши савдо билан шуғулланса, улардан учтаси «синади». Майдалашиб қолади. Иккитаси бойиб, йириклашиб кетади... Бизда «иккитаси» анчагина. «Учтаси» чи!?

Катта-катта сумкалар кўтариб олган жўрамни кўриб қоламан, «Йўл бўлсин?» десам, «Россияга» дейди. «Омадингни бersин» дейман. Ахир савдо билан шуғулланадиганларнинг ҳаммаси осонгина фойда кўравермайди-да.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
СамДД, журналистика бўлими талабаси.

Сенинг тенгдошинг

ИҚТИДОР СОҲИБАСИ

Гўзал Норчаева Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Йўлдош Қурбонов номли мактабнинг X синфида ўқийди. Ёшлигидан шеърлар машқ қилади. Унинг қатор шеърлари «Шонли йўл» туман газетасида чоп этилган. У туман ва вилоят миқёсидаги ижодий кўрик-танловларда мунтазам қатнашиб келмоқда.

Амир Темур йили Гўзал учун муваффақиятли йил бўлди. У аълочи ўқувчи сифатида ХДП туман кенгаши таъсис этган Амир Темур стипендиясига сазовор бўлди. «Иқтидорли болалар — 96» кўрик-танловида фаол қатнашиб, туман ва вилоятда ғолибликни қўлга киритди. Тошкентда бўлган танловнинг биринчи даражали дипломини олишга сазовар бўлди.

Ижод йўлинг нурларга тўлсин, ҳамиша сенга омад ёр бўлаверсин, Гўзал!

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ТУРИЗМ ДАРОМАД УЛКАН МАНБАИ

Туризм ўтган йили Мисрга 2298,9 миллион доллар даромад келтирган

Миср марказий банкининг ўтган йил якунига оид ҳисоботида туризм мамлакат хазинасига чет эл валютаси туширишда иккинчи ўринни эгаллаши ва у бу борада Сувайш канали, нефть, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортидан тушадиган тушумдан ҳам кўпроқ фойда келтиргани, бу кўрсаткич 1994 йили 1779,3 млн. доллар бўлгани айтилади. Шу тариқа туризм соҳасидаги йиллик усиш 519,6 млн. долларни ёки 1766 Миср жунайхини, яъни 29,2 фоизини ташкил этган.

Мисрнинг туризм бўйича вазири, доктор Мамдух Ал-Балтаги бу ҳақда ғапирар экан, мамлакатга келаётган сайёҳлар сони 1994 йилги 2,6 млн кишидан 1995 йили 3 миллион кишига етгани ва бу борадаги ўсиш 21,4 фоизни ташкил этгани, сайёҳларни бу кўҳна юртда ўтказган вақтлари 1994 йили 15,4 млн. кун бўлган бўлса, 1995 йилга келиб у 20,5 млн. кунни ташкил этган, бу соҳадаги ўсиш 32,5 фоизга етганини таъкидлади. Туризм вазири мамлакатдаги меҳмонхоналардан фойдаланиш даражаси 1995 йилда сезиларли ошгани ва 58 фоизни ташкил этганини ҳам қайд қилди. Бу ўринда мамлакатда жорий йил давомида яна 80 та туризмга оид лойиҳа амалга оширилишини эслаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

ҚАДИМИЙ МИСРЛИКЛАР МАҲОРАТИ

Американинг Сан-Франциско шаҳрида кашф этилган икки хайратомуз илмий кашфиёт анча шов-шувга сабаб бўлди.

Гап шундаки, Американинг Юта штатидаги бир гуруҳ илмий ходимлар Калифорниянинг Сан-Хосе шаҳри музейидаги фиръавн даври мумиёлари экспозицияларини рентген нури ёрдамида тадқиқ қилаётган пайтларда бундан 3600 йил олдин Мисрда мумиёланган жуссада болдир суягига қоқилган 23 сантиметр узунликдаги маъдан михга дуч келдилар. Бу мих ёрдамида болдир суяги тиззага михланган эди.

Бирмингем шаҳар шифохонасининг бир неча тадқиқотчи олим ва жарроҳлари шаҳар музейида сақланаётган ва мумиёланган бош ҳамда учта бош суягини Лондон шаҳрида ўрганишлари натижасида қадимги мисрликлар шол, хотира ва кўриш қобилиятини йўқотишга сабаб бўладиган мия шишларини ҳам даволай олишган деган хулосага келдилар. Мазкур тадқиқотда иштирок этган доктор Бахурнинг айтишича, энг замонавий рентген воситаларида такширилаётган бир бош суягининг ичида катталиги 10х6 см. келадиган шиш ўрнига кўзлари тушган. Бундай хажмдаги шиш одатда беморни ё ярим шол холатга келтирши, ёки кўриш ҳамда хотира қудратини тўла йўқотишга олиб келиши аниқ экан. Лекин эрамиздан 1300 йил олдин яшаган ва нисбатан ёш ҳисобланган бу бемор ушбу шиш билан яна 10 йилгача умр кўрган. Бундан у ўз мия шишини даволаттани аён бўлади.

Ҳозирда мия хасталиклари одатда мия суягини очиш ва жарроҳ аралашуви орқали даволанади. Лекин ўтмишда хали жарроҳлик маълум бўлмаган даврларда мисрлик шифокорлар бундай хасталикларни узларига хос услубда, жарроҳликсиз даволашнинг уддасидан чиқишган экан. Доктор Бахурнинг гапига қараганда, қадимий мисрликлар жусса айнимаслиги учун уни тўлиқ мумиёлаш мақсадида инсон миясини бош чаноғидан бутун бўшлиги билан суғуриб олишни ҳам билганлар. Шу тариқа бош суягининг тўлиқ мумиёланишига эришганлар.

Мазкур мумиёланган икки бошни текшириб кўриш чоғида унда ўрта қулоқ суяги худди тирик кишиларникидек бут-бутунлиги аниқланган. Демак, қадимий мисрликлар жуссани мумиёлаш пайтида қулоқ пардасига зарар етказмаслик ва уни табиий холида қолдиришни ҳам билганлар. Шунинг натижасида қулоқ мурталарига бирон-бир зарар етмаган.

Шуни айтиш лозимки, олимлар юқоридаги сингари натижаларга биринчи бор дуч келишган.

Ислоҳотлар йўлида

ЭЛ СИЙЛАГАННИ...

Бугун ишбилармону тадбиркордан кўпи йўқ. Лекин ҳали улар ВАҚТ аталмиш ҳукмдорнинг элагидан ўтадилар. Сизу биз эмас, ВАҚТ уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Бугун биз фақаттина бу тўғри йўлдан бораяпти, мана буниси эса йўлдан озгина четга чиққан дейишимиз мумкин, холос. Ана шу гапни ҳам биз қаламкашлар ўз зиммамизга олмасдан ишбилармонлару, тадбиркорларнинг оғизларидан эшитсак яна ҳам яхши.

Яқинда хизмат юзасидан Нарпай туманининг Оқтош шаҳрида бўлганимизда, шу ерлик ишбилармон «Салимобод» кичик корхонаси директори Салим Аҳмедов билан танишиб қолдик. У кишининг ўзлари мансуб бўлган тизим — ишбилармону, тадбиркорлар ҳақидаги фикрлар билан қизиқлик.

— Менимча у кучадан олиб, бу кучада сотганнинг ҳаммаси ҳам ишбилармон бўлиб кетавермайди, — деб бошлади ўз сўзини С. Аҳмедов. Олиб сотар билан ишбилармонни, учар билан тадбиркорни ажрата билиш керак. Фикримча ҳар қандай ишбилармон аввало ўз олдига аниқ мақсад қўйиб олиши лозим. Эртани кўра билиши шарт. Юрт фаровонлигини ўйламаган, халқига қулайлик яратишни режалаштирмаган одам, яхшиси бундай ишларга аралашмагани маъқул. Узингиз ўйланг, аллақандай сигаретфурушлигу, ароқфурушлик билан шуғулланадиган одамни ишбилармон дейиш мумкинми? У ўз юрти, халқи, қолаверса, она Узбекистонимиз учун нима беради? Бундай одамлар фақаттина ўз ҳамёнларини қаппайтиришни ўйлайдилар холос.

— **Салим ака, фикрларингизни инкор этмаган ҳолда бир савол бермоқчиман. Биз собиқ Иттифоқ даврида «ҳар қандай шароитда жамият манфаати бирламчи, шахс манфаати иккиламчи», деган шиор билан яшардик. Бозор иқтисодиёти эса, шахс манфаатини биринчи ўринга олиб чиқади. Демоқчи бўлганим, ҳар қандай ҳаракат остида шахснинг ўз манфаати ётмайдими?**

— Энди мен бу гапларни жуда илмий тилда ёки чиройли гапирдига қўйилган биринчи талаб юртимизда фаровонлик яратиш, халқимиз турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшишдан иборат эмасми? Яна қайтариб айтаман, Тошкентдан Самарқандга, Самарқанддан Бухорога олиб бориб сотган билан на халқ фойда кўради, на давлат. Бундан фақаттина қуштирноқ ичидаги ишбилармонгина манфаат кўриши мумкин. Узингиз айтган бирламчи ва иккиламчи зета тилида айтолмасам керак. Лекин содда қилиб, ўз дунёқарашимдан келиб чиққан ҳолда тушунтириб беришим мумкин. Дарҳақиқат киши ўзига бир тийинлик фойдаси тегмаган иш билан машғул бўлмайди. Сизга менинг юрт фаровонлиги ҳақидаги гапим ҳавойироқ туюлган чиқар. Аслида бугунги ишбилармону, тадбиркорларнинг олдида инқилобларсиз парламент йўли билан эришиш тарафдорлари бўлишган.

— Тушунарли. Узингиз нима қилиб қўйдингизку, кўкрагингизга урасиз демоқчисиз, шекилли?

— **Унчалик эмасу...**

— Лекин шунга яқинроқ денг. Майли, бу ҳазил. Энди ишга келсак. Мен директорлик қилаётган кичик корхона Оқтош шаҳри аҳолисига ун бир турда маиший хизмат кўрсатади. Қассобхона, сомсахона, балиқхона, кабобхона, нонвойхона, сартарошхона, дорихоналаримиз бор. Шунингдек олди-сотти қилувчи учта дукончага эгамиз.

— **Энди яна манфаат масаласига қайтсак.**

— Тўғриси ўзимга яраша ризқимни топаяпман. Лекин шу корхонада ишлаётганлар ҳам бола-чақаларининг ризқини шу ердан топишаяпти-ку. Қолаверса элга яратиб бераётган қулайликларимиз, юрт фаровонлигига қўшаётган ҳиссамиз эмасми?

— **Аслида сиз журналисту, мен ишбилармон бўлишим керак экан, шекилли.**

— Нега энди.

— **Чунки сизнинг саволингиз меникидан ҳам кўп.**

— Ҳа энди, қариликда...

— **Шу жойда бир тўхтасангиз. Энг асосийси ўзингиз ҳақингизда гапирмаяпсиз.**

— Узим ҳақимда ниманиям гапирардим. Нафақаламан. Олти ўғил, бир қизим бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Улар билан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Корхонамиз жойлашган Норбўта Урунов маҳалласида узоқ йиллардан бери маҳалла қўмитасининг раисиман. Агар имкони бўлса, маҳаллада амалга ошираётган тадбирларимиз ҳақида ёзганингизда ажойиб иш бўларди.

— **Буниси энди кейинги гал га.**

Салим ака билан хайрлашиб қайтаётган эдик. У киши яна чақириб қолди. Тухтадик.

Энди мухбир ука. Хафа бўлмайсиз. Узим ҳақимда асосий гап қолиб кетибди.

— **Қани айтингчи?**

— Йигирма тўртта набирам бор. Мени бу атрофда Салим ака десангиз ҳеч ким танимайди. Ҳамма Салим бобо дейди. Кейинги сафар келганингизда тополмай юрманг, дедимда. Бу гапларни ёзмасангиз ҳам майли. Узингиз учун айтдим.

Энди Салим бобо билан хайрлашдик. Қайтаётиб ўйладим, кучи билагидан тошиб кетаётган йигитларнинг атир кетди, упа кетди қилиб ўтирганлари қаерда-ю, йигирма тўрт набиранинг бобоси қилаётган иш қаерда. Қани энди барча тадбиркору, ишбилармонларимиз ўз олдиларига Салим бободек мақсад қўя олишса?..

Ислом ҲАМРО,
«Туркистон» мухбири.

ОДОБЛИ ОДАМЛАР ДАВРАСИДА

Тошкент Молия институтида «Шарқ донишмандлиги ва ахлоҳ-одоб» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди

ДАРС

Ҳали дарсга қўнғироқ чалинмаган, хонада шовқин-сурон авжида. Қизлар ойнага қараб пардозандоз билан овора. Йигитлардан кимдир сигарет чекади. Яна аллаким оёғини қайчи қилиб, нуқул деворга қараб сакрайди. Талабаларнинг ташқи кўриниши, кийинишлари эса модалар мамлакатини эслатади...

Қўнғироқ чалинди. Ўқитувчи хонага кириб келди. Баъзи талабалар дарров сергак тортиб, ўринларига бориб ўтиришди. Бировлари эса эътибор ҳам қилмадилар. Домла бундай манзарага кўникиб қолган шекилли, индамайгина дарсни бошлаб юборди.

Ўқитувчини жон қулоғи билан эшитаётганлар сони нари борса ўн-ўн беш нафардан ошмас, қолганлар дарсни тинглаш у ёқда турсин, бемаза ҳатти-ҳаракатлари билан маъруза тинглаётганларга ҳам ҳалал беришарди.

Бунга ким айбдор? Домлами? Унинг табиатан бўшлиги, талабчан, қаттиққўл эмаслигими? Умуман, институт ўқитувчиси билан мактаб муаллими ўртасида қандай фарқ бор?

Муаллим ҳали шахси тугал шаклланмаган болаларга таълим беради ва табиийки, тарбия мажбуриятини ҳам ўз бўйнига олади. Бу унинг асосий педагогик вазифаси ҳисобланади. Институт домласи эса... Унинг маърузаларини асосан 18-25, борингки, 30 ёшлардаги йигит-қизлар эшитишади. Бу ёшда инсон ҳам ақлан, ҳам жисмонан камолга етиб, ўзини ўзи бошқара олади. Демак, улар институтда нимаики ўргансалар, ўзлари учун; бу кўпроқ уларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ. Домла уларга мажбурлаб илм ўргатмайди. Керак бўлса ўқийди, ўрганади. Шу боис тарбия мажбуриятини бутунлай бир кишига, домлага юклаб қўйиш адолатдан бўлмаса керак. Аммо...

Дарсга қайтамиз. Хуллас, талабаларнинг бири домланинг асабини ниҳоятда бузди. Огоҳлантиришлар ҳам кор қилмади. Дарс ўтишнинг иложи бўлмай қолди. Қаттиқроқ сўз айтишга тўғри келди. Талаба-чи? У эса:

— Сиз билан кейин «разборлашамиз», — деб пинагини ҳам бузмади.

«Разбор» жаргон сўз бўлиб, гуруҳлар ўртасида кўп қўлланилади. Талаба бу сўз билан нима демоқчи — домласига дўқ-пўписа қилаяптими ёки кимлигини кўрсатиб қўймоқчими? Албатта, биз газетамизнинг бутун бир саҳифасини ажратган олий ўқув юрти учун бу воқеанинг бевосита алоқаси йўқ. Лекин, истак бўлса, бевосита боғланиш борлигини кўриш мумкин. Чунки бу институтда ажойиб конференция ўтказилди. Мавзуси: «Шарқ донишмандлиги ва ахлоқ-одоб». Ана шундан сўнг ҳам «бизга алоқаси йўқ» деб, кўрингчи...

АЖОЙИБ АНЖУМАН

Ҳўш, одоб-ахлоқ ҳақида мунозара қилиш молиячилар учун нега керак бўлиб қолди? Бизда ҳосил бўлган қуникмага биноан бундай фалсафий кечаларни ташкил этиш ижтимоий ва педагогик фанлар билан шуғулланувчи институтлар, мутахассислар вазифаси эмасми? Йўқ, дейишди бизга Молия институтида, — одоб-ахлоқ, тарбия-ҳамманинг иши. У хоҳ давлат арбоби, хоҳ иқтисодчи олим, хоҳ оддий ишчи бўлсин.

Давримиз янгича қиёфага кирмоқда. Катта ўзгаришлар руй бермоқда. Ижобий янгиликлар билан бир қаторда ўзига хос мураккабликлар ҳам юзага келмоқда. Шиддатли кечаётган жараён эса ниҳоятда ақлидрокли, хушёр бўлмоқликни тақозо этади. Қолаверса, ёшларимиздан ҳадеб нолийвериш ҳам унчалик тўғри эмас. Хитой файласуфи Канфутси «Ўтиш даври одамларига ачинаман», деб бежиз айтмаган. Машаққатли синов даври ўзини йўқотиб қўймай, ҳаёт имтиҳонларидан аъло даражада ўтаётган буюк ишларни амалга ошираётган, йирик-йирик корхона, фирмалар, ишлаб чиқариш тармоқларида раҳбарлик қилаётган, иқтисодий ҳаётда янгиликлар яратаётган тадбиркор, ёш олим, ўз билим-маҳоратларини, истеъдодларини чет элларга бориб намойиш этаётган, Ўзбекистонни жаҳонга танитаётган ёшларни кўплаб санаш мумкин.

Лекин... Бир яхшининг бир ёмони бўлганидек, лоқайд, худбин, ота-онасига бемеҳр, маҳалла-кўй, устоз, ёру-биродарларига беписанд ёшлар ҳам бахтга қарши учраб турибди. Пулнинг замони келди, дея ўзини ўққа-чўққа ураётган, ўғирлик, қаллобликни ўзига касб қилиб, тинч аҳоли хотиржамлигини бузаётганларнинг айрим ёшлар эканлигидан кўз юмолмаймиз. Айниқса, талабалик — олтин давр, деган таърифни нотўғри тушуниб, номуносиб ҳар хил ёмон йўлларга кириб кетаётган, кайф-сафога берилган йигит-қизларни кўрганда, кўнгиллар беҳузур бўлиб кетади беихтиёр.

Талабанинг биринчи ва олий мақсади — илм олишдир. Бунинг учун Молия институти илмий-педагогик жамоаси барча чора-тадбирларни кўриб чиққанлар. Бу тадбирлар — бир дақиқа ҳам тартиб-интизомни бушаштирмаслик, талабаларнинг дарсларга юз фоиз қатнашувини таъминлаш, уларга билим савияси юқори бўлган малакали ўқитувчиларнинг дарс беришини жорий этиш, талабалар учун ҳар томонлама шарт-шароитлар, имтиёзлар яратиб қўйиш, ва умуман, бу даргоҳдан малакали ва кучли билимга эга бўлган кадрлар етишиб чиқиши учун замин яратиш, замон талабидаги барча янгиликларни ҳаётга тадбиқ этиш асосига қурилгандир.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган илмий конференция ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. Ўтмишимиз, тарихимизга назар ташлаш, ота-боболаримиз қолдирган меросларини яқиндан танишиш, улуғ қадриятлар, урф-анъаналардан ижодий фойдаланиш, донишманд уламолар панди-насиҳатларига қулоқ тутиш — конференциянинг тўла бўлмаган тадрижий руйхати шулардан иборат.

Профессор Мусоқул Усмоновнинг одоб-ахлоқ кечасини ўтказиш ҳақидаги таклифи институт раҳбари академик Мурод Шарифхўжаевга жуда маъқул тушди. Шу боис ҳам анжуманга бевосита ўзи раҳбарлик қилди, барча ўқитувчилар, талабалар қаторида у ҳам маъруза тайёрлаш истагини билдирди.

САЛОМ МАЪНОСИ

Ректор залга кириб келиши билан, йиғилган барча гурра ўрнидан туриб, эҳтиром кўрсатишди. Бундай манзара табиий ҳолат, албатта. Аммо Шарифхўжаев ана шу арзимас туюлган вазиятдан ҳам фалсафий хулоса чиқарди.

— Раҳмат. Ёшларимизда одоб-ахлоқ, иззат-икром ҳамиша шундай бўлса, қандай яхши. Каттани-катта, кичикни-кичик ўрнида кўриб, шунга яраша муносабат билдириш одати бизнинг қонимизда бор. Умуман таълим берган устозни улуғлаш, ҳурматини жойига қўйиш, унинг сизга қилган яхшилигу меҳнатларининг қадрига етиш ўзбек халқи учун азалий удумдир.

Биз келажагимиз пойдевори мустаҳкам бўлсин десак, аввало бугунги ёшларимизни ҳар томонлама тарбияли, баркамол инсон қилиб устирмоғимиз лозим. Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўзлигини танияпти. Ўтмиш қадриятлари тикланмоқда. Ўзбек деган ном улуғланяпти. Ўтмишдан, шукрки, бизга буюк мерос қолган. Ана шу меросдан имкон қадар баҳраманд бўлайлик. Қани, хўш, Абдулла Қодирийнинг асарларини, айниқса «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ким ўқимаган? Қўл ўтарсин. Албатта ҳеч ким қўл ўтармайди. Чунки бундай асарларни ўқимадим, дейишнинг ўзи уят саналади.

Мунозара жуда дилкаш, самимий руҳда давом этди. Сўзга чиқаётган устоз олимлар нутқларини диққат билан тинглаб ўтирган талабаларнинг нигоҳлари сокин, аммо уларнинг ички дунёсида ажиб туғёнлар жўш ураётгани, маънавият меваларидан озиқ олаётганликлари тўла маънода ҳақиқат эди.

***

Молия иқтисод факультетига Абдурашид Абдурайимов деканлик қилади. Бу ерда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Факультет ёшлари ҳаётда ўзларини тутишлари, тиришқоқликлари, хулқ-атворлари, билим савиялари билан ўзгаларга намунадирлар. Мусоқул Усмоновнинг анжуманга айнан шу факультет талабаларини танлагани ҳам шу боисдир. Ўз навбатида Шарқ донишмандларининг маънавий сандиқларидан одоб-ахлоқ ҳақидаги маълумотлар йиғиб, маърузалар қилиш талабаларнинг ўзларига ҳам жуда ёқиб тушди. Уларнинг бир-бирлари билан талашиб-тортиша бошлаганликларини кўрган Мусоқул аканинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Имом Исмоил ал-Бухорийдан Икром Эргашев, Абу Исо ат-Термизийдан Шуҳрат Уролов, Беруниийдан Шерзод Шарипов, Ибн Синодан Фазлиддин Ходиев, Абу Абдулла Рудакийдан Раъно Сайдалиева, Юсуф Хос Хожибдан Санжар Турдиев, Амир Хисрав Деҳлавийдан Рахнамо Абдукаримова, Фирдавсийдан Дилором Ғуломова, Аҳмад Яссавийдан Нозима Илёсова, Амир Темурдан Наргиза Қўзиева, Абдураҳмон Жомийдан Ғайрат Усмонов, Алишер Навоийдан Умида Жабборова, Абдулла Қодирийдан Олим Хуррамов, «Калила ва Димна» асари бўйича Наргиза Бердибоевалар жон диллари билан анжуманга тайёргарлик кўра бошладилар.

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур...

ЙИҚИБ БЎЛМАС БИР ДЕВОР

Шарқ, энг аввало, одоб-ахлоқ мукаммаллигидир. Ўз замонасининг буюк алломалари ижодида тарбия мавзуси марказий ўринда бўлганлиги ҳам шу боис. Масалан, XI аср одобшуноси Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилган «Қутадғу билиг» достонини олиб қаранг. Бошдан охиригача одобдан иборат. Ҳиндистонда туғилган, асли келиб чиқиши туркистонлик ҳазрат Амир Хисрав Деҳлавий дунё маданиятига, шеърият мулкига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Аҳмад Яссавий ҳазратлари турк дунёсининг пири, ҳикматлар дурдонасини битган валломатдир. Фирдавсийнинг дурдоналари бугун ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Беруний, Ибн Сино, Фаробий каби буюклар нафақат аниқ фанларнинг оталари, балки одоб-ахлоқ ҳақида дилбар сатрлар битган, лаҳжаси ширин табаррук зотлардир. Амир Темур эса буюк давлат арбоби бўлиш билан биргаликда улуғ тарбиячи ҳам. Унинг ҳикматлари ҳануз қадрини йўқотмаган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг барча асарларида одамийлик, инсонийлик барқ уриб турибди. Хусусан, «Маҳбуб-ул-қулуб» асари бевосита одоб-ахлоққа бағишланган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг асарларида ўзбекона одоб нафис тилда тараннум этилган.

Истиқлол, шукрки, бизни ўзлигимизга қайтарди, руҳимизни тетиклаштирди. Бу ҳақда мустақиллигимиз раҳнамоси ва муаллифи Ислом Каримов шундай дейди: «Биз учун мустақиллик — энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун муътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир».

Бу вазифаларни амалга оширишда маънавиятимиз сарчашмалари бўлмиш донишмандларнинг доно фикрлари жуда қўл келади, албатта. Шарқ донишмандларининг ҳикматлари мустақилликка чиққан мамлакатимиз халқлари учун маънавий озуқа бўлиб қолаверади, чунки унинг илдизлари бақувват ва чуқурдир. «Қадимги донишмандлик, — деганди алломалардан бири, — шу қадар кўп дурдоналарни мерос қолдирганки, уларнинг бирбирига қалаб чиқиш натижасида бутун бир йиқиб бўлмас девор вужудга келган». Буюк ота-боболаримизнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги дурдоналари авлодларининг йўлини ёруғ, келажагини порлоқ қилишига ишончимиз комил.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
ЎзФА академиги.

УЛКАН МЕРОСГА МУНОСИБ

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихига ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиб, ҳар бир фуқаро онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти. Маънавиятимизнинг ўқ илдизлари бўлмиш донишманд боболаримиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Ал-Бухорий ва бошқаларнинг улмас меросларини кенг тарғиб қилиш ва шу асосда шарқона ахлоқ-одобни таркиб топдириш давр тақозосига айланиб қолди.

Юртбошимизнинг одоб-ахлоқнинг асоси ҳисобланмиш тарбияга муттасил эътибор бераётганлиги ҳам бежиз эмас. «Боғчалардан тортиб, олий ўқув юртларигача, — деди Ислом Каримов, — барча таълим ва тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим... Ўзбекистон муқаддас Ватан, ота-бобомиз ҳоки ётган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру-муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради».

Ватанни англаш, бу ўз-ўзидан пайдо бўладиган тушунча эмас. У йиллар давомида ўқиб-ўрганиш, одоб илмидан баҳраманд бўлиш асноси аста-секинлик билан сингиб боради юракка. Ибрат бўлган жойда у тез етилади. Ўтиш даврининг энг қийин паллаларида аҳолининг кам даромадли қисми ижтимоий ҳимоя қилиниб, инсонпарварликнинг олий тимсоли кўрсатилаётгани ҳам аслида ана шу одоблиликдан далолатдир.

«Бизлар, — дейди Ислом Каримов, — тўйда ҳам, азада ҳам, оддий кунларда ҳам ёнма-ён туриб бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонлар-нинг фарзандлари бўламиз».

Айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг маънавиятимизни тубдан ўзгартиришга қаратилган йўл-йўриқлари, кўрсатмалари ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Халқда эртанги кунга ишонч ортди. Ишонч бор ерда эса, маълумки, маънавиятга эътибор кучаяди, одамлар одоб-ахлоқли бўла боради.

М. УСМОНОВ,
тарих кафедрасининг мудири, профессор.

ОТА-ОНАНГНИ РОЗИ ҚИЛ

Яхши фазилат — инсонга зийнат, деган ҳикматни ўзига дастур қилган Ислом дунёсининг буюк мутафаккири аллома Имом Исмоил ал-Бухорий бутун диққат-эътиборини ҳадис илмига сарфлади. У 600 минг Ҳадиси шариф тўплади. Алломанинг 1990 йилда «Ал-Адаб ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) деган китоби чоп этилган. Унда ота-онани ҳурмат қилиш, қавм-қариндошлик одоби, қариялларнинг ўрни, инсоф, шармҳаё, уятчанлик ва бошқа инсоний фазилатлар ҳақида сўз боради. Масалан, китобдаги 24 та боб ота-оналарнинг ҳурматини жойига қўйишга бағишланган. Мана 2-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Умар (разиёллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши «Аллоҳ таолонинг рози бўлиши ота-онанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам ота-онанинг ғазабига боғлиқдир», — дейдилар. 8-ҳадисда эса: «Ота-онани хафа қилиб йиғлатиш катта гуноҳдир» дейилган. 15-ҳадисда Абу Бакр (разиёллоҳу анҳу) айтдилар: «Расуллоҳ «Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми? — деб уч марта сурадилар. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, айтиб беринг!» дейишди. «Аллоҳ таолога шак келтириш, ота-онага оқ бўлиш», дедилар. 21-ҳадис. Абу Ҳурайра айтадилар: Расулуллоҳ: «Хор бўлсин, ҳор бўлсин, хор бўлсин», — деб ўн маротаба такрор қилдилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, кимни айтяпсиз?» — деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ота-онанинг иккаласи ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида уларни рози қилмай ўзини дўзахга тушишга мубтало қилган кишини», — дедилар.

Зеро, ота-она хизматида бўлишлик жаннатийликдир.

ҚИЗИ КЎП ЖАННАТИЙДИР, ҚАЧОНКИ...

Абу Исо Термизий ҳазратларининг китобларида табаррук ва муборак қоидалар зикр қилинган. Мана 1912-ҳадис. Абу Саид ал-Ҳудрий ривоят қилишича, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бундоқ деганлар: «Қайсингизни уч қизингиз ёки учта сингилингиз бўлса, уларга яхшилик қилсангиз жаннатга кирасиз».

Инсон учун бундан ортиқ мукофотнинг ўзи йўқ. Аммо баъзан оталар қизлари кўпайса, нолишади. Тангри эса қизи кўпни ардоқлар экан. Ёки мана бу Ҳадиси шарифга эътибор беринг. Оиша (онамиз)нинг айтишича, ҳазрати Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳу васаллам) бундай деганлар: «Кимгаки Аллоҳ таоло қиз фарзандлари берса, уларни сабр билан тарбиялаб вояга етказса, улар унга дўзахдан парда бўлади». Шунингдек, яна бир ҳадисда Анас ибн Молик ривоят қилишларича, ҳазрати Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар:

«Кимки икки етим қизни вояга етказса, ўша киши билан мен жаннатга баробар кираман».

ЯХШИЛИКДАН МАНФААТ КЕЛУР

«Яхшиликка интилиш мурувватлиликнинг, олижаноблиқнинг ўсгани сари кўпаяверади ва яхшилик жамики одамларга яхшилик қилишдан иборатдир», — дейди Беруний. Ниҳоятда ибратли ҳикмат. Яхшиликларни кўпайтиришдан жамият ҳам, халқ ҳам манфаатдордир. Яхши одамларнинг қалби кенг, феъл-атвори мулойим, дилкаш, очиқ кўнгил бўладилар. Хайрихоҳ, ўзгалар ишқида ёнувчиларда яхши фазилатлар серобдир. Уларнинг яхшиликларидан атрофдагилар баҳраманд бўладилар. Беруний ҳазратлари «Кўпчилик томонидан ботирлик деб танилган ҳулқ, яъни уруш майдонларида баҳодирлик ва турли ҳалокатларга учрашни писанд қилмаслик ўша шижоатнинг бир туридир. Аммо унинг ҳамма турлари ичида энг юқори даражадагиси, бу тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир», деб ўгит беради.

Одамлар орасидаги салбий ҳолатлар доимо инсониятга зарар келтириб келган. Аллома ўгитига амал қилинса, ибрат олинса, фақат ютилади. «Хато содир бўлмаслиги учун донишмандлар қайта-қайта кузатишни, зиён етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар».

ХОН БЎЛСАНГ-ДА, БОҒ ЯРАТ...

«Ҳамиша лаг таъкид этар эдим, хон бўлсанг-да, боғ ярат, гадой бўлсанг-да, боғ ярат... бир кунмас бир кун мевасини татирсан...» Боғдан ер кўкси зийнатланади, табиат мусаффо бўлиб, дастурхонлар мўл-кўл бўлади. Бинобарин, баҳри-дилимиз очилсин, кўнглимиз тўлиб, димоғларимиз чоғлансин, десангиз қулоқ тутинг, Амир Темур сўзларига: «Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб ишлаб билдим». Гарчанд етти иқлимни идора қилиш даражасига етган бўлса-да, бобомиз кези келганда кечиримли бўла билган ҳам. У бу ҳақда шундай ёзади: «Кечира олишлик мардлик, кечира билмаслик номардлик». Ва фикрини давом эттириб яна дейди: «Бир калима ширин сўз — қилич қинга киритар».

Булар тафаккур гулшани гултожларидан ҳисобланмиш Амир Темур ақл чашмасидан бир қўлтуми холос. Бу чашманинг чегараси йўқ. У уммон мисолидир.

АДОЛАТ ҲИКМАТ ВА САХОВАТ НЕГИЗИДИР

Серқирра истеъдод соҳиби Ибн Сино бобомизнинг «Одоб рисоласи»ни ўқиган чиқарсиз. Унда инсонийлик хислатларининг жуда кўп қирраларига сайқал берилган. «Ҳар бир хайр ва яхшилик асосида ҳикмат ва адолат ётади. Инсон шуларга одат қилган, уларнинг аксидан сақланган ҳолда киши камолот касб этади».

Инсоният пайдо бўлгандан буён адолат тушунчаси одамлар олдида катта муаммо бўлиб турибди. Унинг бузилиши ёки ундан чекиниш, меъёрнинг бузилиши салбий оқибатларга олиб келиши барчага маълум. «Адолат — деган эди Ибн Сино, — ҳикмат ва саховатнинг негизидир. Ҳиммат ва саховатга доир барча қучлар адолат билан боғлиқ».

Адолат бўлса, ҳақиқат қарор топади. Ҳақиқатнинг асоси — тўғрилик. Тўғриликдан унади, эгриликдан сўнади, деганларидек, тўғриликдан инсоният доимо фойда кўрган.

«ШОҲНОМА» — МАЪНАВИЯТ ТОЖИ

Абулқосим Фирдавсий ижодида энг аввало инсон ақли донишлиги мадҳ қилинган.

Ким ақл йўлидан юрса, у киши
Ҳеч маҳал бўлмагай ёмонлик иши.

Инсониятга берилган ноёб хислатлардан бири дўстлик бўлса керак. Бу ҳақда шоир гўзал ташбеҳ келтиради:

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.

Ҳа, одамлар дўстлашса, бирлашса, яқинлашса оқибати шарофатли бўлади. Оғирликлар енгиллашади, битмаган ишлар битади. Мушкулликлар ҳам дўстлик қумагидан ечилади. Дўстлар ғамини олиб, хурсандчилигингни оширади.

Дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, уни авайлаб-асрашлик фақат яхшиликка, эзгуликка олиб келади.

Ҳар ишда яхшидур юмшоқ сўзласанг,
Яхшимас бошидан жанжал кўзласанг.

Чиндан ҳам, юмшоқ сўзнинг хосияти буюк, оқибати яхшиликдир. Юмшоқ сўздан, ширин каломдан одам дили яйрайди, кайфияти чоғланиб, соғлиққа ҳам фойда етади. Битмаган ишнинг «калити» ҳам ширин сўзликдир, деб бекорга айтмайдилар ахир.

МЕНИ ҲАМОН ЎҚИРЛАР ВА УНУТМАСЛАР...

30-йилларнинг охирларига келиб Абдулла Қодирийнинг номи қора рўйхатга беланиб, унутишга маҳкум этилди. Ўзи қатаётган қилинди, китоблари эса заволга учради. Шундай фожиали вақтларда ҳам Абдулла бобомиз бошини тик тутиб мағрур: «Мени ҳамон ўқирлар ва унутмаслар...» деб башорат қила олди холос.

Дарҳақиқат, ҳамон Абдулла Қодирийни ўқияптилар. Иншоолло, бундан буён ҳам ўқирлар. Чунки Абдулла Қодирий асарларида инсон улуғлиги талқин этилади, яхшилик улуғланади, муҳаббат куйланади. Қодирий асарларини ўқиркамиз, ота-боболаримиз ўзбек одобининг асосчилари ва таянчи эканлигини, уларнинг ақл чироғи, тарбия дастури буюк ва бетакрор эканлигини юракдан туямиз. Юсуфбек хожи, Мирзакарим қутидор, Ҳасаналиларнинг ҳар бир сўзидан ўгитлар бўлоқдек оқади. Одамийликка чорлайди ёнг. Ёлингизда бўлса, Юсуфбек хожи тилидан шундай ҳикмат айтилади: «Бу даргоҳдан ҳеч кимса норизо кетмасин...» Инсон дунёга бир марта келади. Шундай экан, Хожи ота тили билан айтганда: «бу дунёдан ҳеч кимса норизо кетмасин» дегинг келади. Шундай бўлиши эса, ҳаммамизга, ҳар биримизга боғлиқ.

ДУРДОНАЛАР ХАЗИНАСИ

«Калила ва Димна» асари мана неча минг йилдирки, инсониятга хизмат қилиб келмоқда. У инсонни оғир, қийин шароитларда ҳам саросимага тушмасликка чорлайди. Ақл билан тадбир топиш йўлларини кўрсатади.

Мана улардан намуналар: «Шоҳлар ўз нуфузи жиҳатидан файласуфлардан устун бўлсалар, файласуфлар ўз билимлари билан шоҳлардан устундир! Зотан, донишмандларнинг шоҳларга эҳтиёжи йўқ, шоҳлар эса қанчалик бой бўлмасинлар, донишмандларга муҳтожлар, уларсиз яшай олмайдилар».

«Мен ақл билан ҳаёни энг яқин ва ажралмас дўст деб биламан, бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди».

«Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунё сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир: «ҳикмат, ақл, тадбир, сабр. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат-ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмоқлик ва ўзини ҳақ-ҳуқуқини билмоқ-қаноатга; тўғрилик, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ адолатга тегишлидир».

Ибратли хулоса.

Биз саҳифани беҳудага «Одобли одамлар даврасида» деб атамадик. Ўйлаймизки, зийрак ва зукко муштарийларимиз биз нима демоқчилигимизни, тўғрироғи, Молия институти домлалари ва талабалари нимага даъват этаётганини аллақачон англаб етдилар.

Давр шиддаткор, давр ошиғич. Аммо бир зумга тўхтаб, биз кимлар даврасидамиз, деб ўз-ўзимизни саволга тутсак фойдадан холи бўлмайди. Агар одобли одамлар даврасида бўлсак, демак, билингки, ишларимиз яхши...

Саҳифани Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА тайёрлади.

Муроджон Мирзаев — Тошкент Давлат юридик институти доценти, тарих фанлари номзоди, «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» халқаро экспедиция илмий раҳбари. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори, «Амир Темур йўлларида» бадиий-видеофильм сценарийси муаллифи, ҳозирда Тошкент Давлат юридик институти доценти бўлиб ишламоқда. Қуйида Муроджоннинг қаламига мансуб мақола эълон қилинмоқда.

ИБРАТЛИ АСАР

Мурод Мирзо Аҳмадқори ўғли буюк давлат арбоби ва атоқли саркарда Амир Темур номи билан боғлиқ (асосан Ўзбекистонда жойлашган) қадамжолар, унинг саъй-ҳаракатлари билан Шаҳрисабз, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда қурилган бинолар: масжидлар, мадрасалар, қасрлар ва чорбоғлардан айримлари ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Асар «Темур тузуклари», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул- мақдур», шунингдек, темуршунос олимларнинг асарларидан фойдаланган ҳолда яратилган. Келтирилган далиллар тўғри, воқеаларга берилган баҳолар ҳақиқий.

Мурод Мирзо қобилиятли йигит. Унинг Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишдек савоб ишга қўл уриши ибратли. Мен унинг келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилаб, Тангри таоло мададкор бўлсин, дейман.

Бўриевой АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби.

1996 йил Амир Темур йили

ЕТТИ ИҚЛИМ ҲУКМДОРИ

БИСМИЛЛОҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Соҳибқирон Ҳазрат Саййид Амир Темур Курагон Баҳодир Султон ибн Турагай ҳижрий 736 сичқон йилида, шаъбоннинг 25 куни (мелодий 1336 йил, 9 апрелда қуҳна Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳридан ун уч чақирим олисда Хўжа Илғор қишлоғи (ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманига қарашли Хўжаилғор қишлоғи) да таваллуд топди.

Ёш Темур улғайган сари ислом дини ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайхи васаллам йўлини қалбларига жо қила борди. У олимларнинг ҳурматини ҳам ўрнига қўйиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутган. Уламоларга ва фозилларга ғоятда иззат-икром кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан муқаддам (юқори) кўрар, ҳурматини улардан сира дариг тутмаган.

Тарихий китобларда берилишича, кунлардан бирида пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайхи васаллам Амир Темур тушига кириб: «Темур! Сен менинг авлодларимни ҳурмат қилиб эъзозланганинг учун санинг 70 авлодинг ҳоким бўлгай», деган эканлар. Дарҳақиқат, Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда узоқ вақт ҳукм суришини ҳисобга олсак, бу туш ўнгидан келганлигини кўрамиз. Шунингдек, Турагай Баҳодуржнинг ҳам ҳақиқатга яқин тушини келтириб ўтиш жоиздир. «Ёшлик кезларимда, — деб эслайди Амир Темур, — отам Амир Турагайдан бир ажиб тушлари ҳақидаги ҳикоятни эшитган эдим. У шундай эди: Отамга тушларида ёш, жуда чиройли арабий йигит бир қилич беради. Уни қўлга олиб, у ёқ бу ёққа ўйнатадилар. Натижада қилич шундай ялтирайдики: бутун олам ёришиб кетади. Сўнг улуғ пир-соҳиби каромат ва олим раббоний бўлмиш Шамсиддин Кулолдан туш таъбирини сурайдилар ва: «Бу тушинг пайғамбарона туш, тангри сенга бир ўғил беради. У бутун дунёни забт этиб, дунёни турли бидъатлар зулматидан халос қилади», - деган жавоб оладилар.

(Давоми бор).

Падарим кейин яна давом этдилар: Туш тўғри чиқди. Тангрим менга сени ато этди. Ақиқа вақтида Шайх Кулолга юзландим. Пирим Қуръони каримдан қуйидаги оятни ўқидилар: «Амантум ман фи-с-самъа аън йўхифа бикума-л арда фа иъза хийа тамуру». (Эй Макка кофирлари, ё сизлар (кофирлигингизда оёқ тираб тураверсангизлар) осмондаги зот сизларни ер ютириб юборишидан, бас, бано-гоҳ (ер) титроққа тушиб, сизларни босиб қолишдан хотиржаммисизлар (қўрқмайсизларми)?! (Қуръони карим, 67 -Мулк сураси, 16-оят).

Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») китобида эса ушбу оятни каримага қуйидагича ишора қилинади: «У ҳижратнинг саккизинчи асрида улар (одамзот) устига алғов-далғовлар денгизини юбордики, у зимистон кечадан бир парча каби (пайдо) бўлиб, (одамларга томон) юзланди.

Бунинг нима эканлигини ҳеч кимса фаҳм этолмасди. У Темур бўлиб чиқди».

Мазкур оятни каримада «Тамуру» сўзи мавжудлиги сабаб, унга Темур деб исм қўйишди.

«Шажарамиз ҳақида отам Турагай Баҳодур менга шундай деган эдилар, — деб эслашда давом этади Темур. — Ўз аждодларингни ҳурмат билан ёд эт ва унутма. Билгилки, сен Темур ибн Турагай ибн амир Баркул, ибн амир Илангиз, ибн Баҳодур, ибн Ийжил Нуён, ибн Сўғу чечан, ибн Эрдамчи Барлос, ибн Қочули Баҳодур, ибн Туманахон, ибн Турк, ибн Ёфас, ибн Нуҳ алайҳиссалом».

Муқаддас китобимиз — Қуръони каримда Нуҳ пайғамбар ўз қавмлари орасида 950 йил туриб, уларни Ҳидоят йўлига даъват қилганлиги ёзиб қолдирилган. Пайғамбарлар шажараси ичида Нуҳ иккинчи ўринда туради. Шу сабаб, Ҳазрат соҳибқирон Одами соний авлоди эканлигидан, дини Муҳаммадий, миллати Аҳмадий ва кейинроқ унинг ўзи Абу-л- Музаффарий бўлганлигидан Хаққа шукроналар қилиб, доимо илтижода бўлган.

Биз юқоридаги Амир Темур шажарасида Туманахонга ҳам тўхталиб ўтган эдик. У ўз даврида Туркистон давлатида энг шавкатли подшоҳ эди. Унинг икки хотини бўлиб, иккинчисидан икки эгизак қуради. Биринг исми Қабул, иккинчисиники Қочули бўлган. Кейинроқ Қабулнинг наслидан Чингизхон, Қочулидан эса Амир Темурдек паҳлавон жаҳонгирлар дунёга келдилар. Демак, Чингизхон ва Амир Темурнинг шажараси Туманахонга бориб етади. Юқорида келтирилган шажарада Ёфас ҳақида ёзилди. Ёфасни туркларнинг отаси дейдилар, Демак, айтишимиз мумкинки, Чингизхонда ҳам асли туркий қавмлар қони мужассам.

Эътиборингизга Туманахондан кейинги авлодлар ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтамиз. Қабулдан: 1. Буртун Баҳодур, 2.Ясуко Баҳодур, 3. Чингизхон . — Жучи, Чиғатой: Уқтой, Тули.

Қочулидан: 1. Эрдамчи Барлос, 2. Сўғу чечан, 3. Қорачор Нуён, 4. Ийжил нуён, 5. Илангиз Баҳодур, 6. Амир Буркул, 7. Амир Турагай, 8. Амир Темур.

Соҳибқирон 9 ёшидаёқ болалар билан уруш-уруш ўйнаб, ўзимни амир этиб тайинлардим, ўйинни бошқарардим ва болаларнинг бир гуруҳини иккинчи гуруҳи билан уриштиришни машқ қилардим, деб эслайди. «Мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деб қатъий қарорли бўлишга ва мардликка чақиради. Яна у жанговарлик тадбири ҳақида: «Ғаним лашкарини енгиш қўшининг қуплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳининг камлигидан бўлмайди Балки ғолиб бўлмоқлик тангрининг мадади ва бандасининг тадбири биландир», - дейди.

Унинг шундай оқил фикрлари мавжудки, доимо ҳар кимга ўрнак бўларли. Хусусан, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир ила амалга ошириш мумкин эканлигини ўз тажрибасидан келтириб чиқиб айтган.

Амир Темур амакиси Ҳожи Барлоснинг Хуросонга кетмоқчи эканлигини билгач, шундай фикрларни баён этадики, булар ҳаммамиз учун ўрнакдир. Ўз юртини севувчи, ута ватанпарвар ва миллатпарвар, булажак жаҳонгир: «Сиз Хуросонга кетишни ният қилурсиз. Мен эрсам Кешга қайтурмен. Эл-улусни ўзимга мойил қилиб олурману, умаро ва аркони давлатдан қўзқулоқ бўлиб турурмен, токи жонажон вилоятим хароб бўлмасин, раият заҳмату ташвишга қолмасин», дейди. Кейинроқ давлат - лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фодойилигила қудратлидир, деб мамлакат фидойи инсонлар билан кучга эга бўлишини таъкидлаган.

Герман Вамберининг «Бухоро тарихи» номли китобининг XI бобида: «Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси)ни ва балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди», дейилган. Дарҳақиқат Темурнинг меъморий обидалар бунёд этишдаги хизматлари беқиёсдир. Унинг «ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, ҳонақолар, работу қўприклар қуришни буюрдим», деган сўзлари бунинг исботи.

Амир Темурнинг адаб илми ҳақидаги фазилатлари хусусида Алишер Навоий қуйидагича ёзган, «Темур Кўрагон.. агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавкеда уқубдурларким, анингдек бир байт уқуғони минг яхши байт айтқонича бор. Табаррук ҳайсиятиданким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қилилур».

Ёзилган нарса авлодар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди, улкан мерос доимо улкан мухолифлик туғдиради, дея ёдгорликларни кўзқорачиғидек асрашга чақиради.

Бизгача етиб келган баъзи тарихий китобларда Амир Темур давридаги урф-одат ва анъаналар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мужассам. Хусусан, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Самарқандда бўлиб ўтган бир тўй маросими жуда ғўзал дид ва маҳорат ила тасвирланган. Соҳибқироннинг фарзандлари ва набиралари учун ташкил этилган мазкур тўй байрам руҳида бўлиб, унга ўз даврининг донги кетган санъат устаси Хўжа Абдулқодир бош бўлган эди. Тўйда туркий, форсий, мўғулий, хитой ва арабий мусиқалар остида қўшиқлар янграб, рақслар ижро этилган.

Яздий тўй базмида меҳмонлар олдидаги қимиз ва бошқа ичимликлар тортилган идишларга олтин ва кумуш суви югуртирилганлигини завқ билан ёзади.

Амир Темур бирор масалани рўёбга чиқаришда аввал шу соҳанинг етук олимлари ва зукколари билан машваратда бўлар эди. Албатта, Ҳазрат соҳибқиронинг олиму-фузололари билан кенгашлари турли даража ва шаклда бўлган. Унинг айниқса илми дуния (таворих, адаб, тил, риёзат-математика, ҳандаса-геометрия, меъморчилик, ахтаршунослик, астрономия, мусиқа (ва илми диния) (теология) соҳаи саркардалик ва ҳунари савдогарлик намоёндалари бирла сухбатлар бисёр бўлган.

Амир Темурнинг шундай кенгашларидан биридаги нутқи эътиборга лойиқ бўлиб, унда қуйидаги мазмунда сўз кетади: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари бирла подшоҳларга ёрдам бериб келганлар.... Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир... Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар... сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди... Мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан».

Соҳибқирон саройида мавлоно Абдулжаббор ва Мавлоно Нуғмониддин Хоразмийлар, Мавлоно Шамсиддин Мунши, Мавлоно Абдуллох Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Хўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жалол Хокий сингари олимлар фаолият кўрсатишган.

Биз юқорида ахтаршунослик илми ҳақида ёзган эдик. Хўш, у қандай илм? Ахтаршунослик шуки, у Темур учун вақтни белгилаш, йўл йўналишини аниқлаш учун, яъни ҳарб ва савдо соҳалари учун муҳим эди. Юлдузларнинг жойлашишини яхши билган ахтаршунос-юлдузшунос Темур қутб юлдузи қозиққа қараб шимол, жануб, мағриб ва машрикни енгилгина урганган. Ётти Қароқчи юлдузларига, Сомон йўлига, Зуҳра ёки Моки, Поза, Қари каби юлдуз туркумларига қараб вақт-соат белгиланарди. Демак, уша пайтларда «компас» ҳали йўқ эканлигини назарда тутсак, ахатаршуносликнинг нечоғли аҳамияти катта бўлганлиги келиб чиқаверади.

Темурнинг олимларга меҳри узгача бўлган. Таворих ва файласуфларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келар эканлар.

Тарихчилар Темурнинг бундай хислатлари ҳақида қуйидагича ёзадилар: «Ёлғонни ёмон кўрар, билимга муҳаббат қўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг манзилида олимлар, машшоқлар, шоирлар кўп бўларди...

У одил илм-фан дўсти, бирга суҳбатлашишни хуш кўрадиган, рассом ва олимларнинг ҳомийси эди».

Мурод МИРЗО Аҳмадқори ўғли.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Бундай қизиқарли тадбирлар ТошДУ қошидаги С. Сирожиддинов номли лицейда тез-тез ўтказилиб турилади. Бугал лицей ўқувчилари Ҳамза номидаги Академик драма театрининг бир гуруҳ актёрлари билан учрашдилар. Кечани халқ артисти З. Муҳаммаджонов очиб берди. Сунг театрнинг отахон актёрлари Ғ. Аъзамов ва Т. Хонтўраевлар ижросидаги «Олтин девор» спектаклидан бир кўриниш ижро этилди.

Маълумки, 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Ўзбекистон халқ артисти Т. Муминов ва таниқли актёр С. Умаров ижросидаги Соҳибқирон ва Турк султони Боязид сиймолари ҳамда улар ўртасидаги диалог ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Кеча аҳли «Шум бола» роли орқали эл оғзига тушган севимли актёр А. Абдуваҳобовнинг чиқишини ҳам мароқ билан томоша қилдилар.

Шунингдек, учрашувда таниқли санъаткорлар Ё. Саъдиев, Э. Комилов, М. Иброҳимова, С.Раметова, Т.Саидовлар ўзларининг қўшиқ ва ичак узди хандалари билан даврага файз киритдилар.

Дилноза МУЛЛАЖОНОВА, лицей ўқувчиси.

ҲАМЮРТЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳар кун субҳидамда республика радиоси орқали таниқли бастакор Мутал Бурхоновнинг Абдулла Орипов шеърига басталанган Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Тонгни яхши ният билан қаршилаётган ҳар бир фуқаро уни тингларкан, қалби мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат, унинг буюк келажагига ишонч ҳиссига тўлади. Мадҳиямиз овози бутун дунёда акс садо бераётганидан фахрланади.

Қутлуғ 80 ёшини бутун мамлакат нишонлаётган таниқли санъаткор Мутал Бурхонов ҳамюртлари ҳузурида бўлди. Қоракўл заводи меҳнат жамоаси, Бухоро Давлат университети ҳамда мусиқа билим юрти талаба ва ўқитувчилари, Ғиждувон тумани меҳнаткашлари билан учрашди. Унда сўзга чиққанлар М. Бурхоновнинг баракали ҳаёти ва ижоди тўғрисида гапирдилар. Бастакор қўшиқларидан намуналар ижро этилди.

(ЎзА).

Нигоҳ. Суратқаш Муҳаммад Амин.

«ЮСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«АЛТАЙ» ТРАКТОРИНИНГ М-01

ДВИГАТЕЛИГА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР:

Плунжер, клапан, картер, қопқоқлар, улаш вали, ёқилғи правода, патрубка, корпус, ҳалқа, гардиш, каллак, каллектор, маховик, валчалар

ШУНИНГДЕК:

НШ-50, 32, 10, НМШ-25 насослари, ПЭ-100/53 таъминловчи насоси (Украина).

7519 ва бошқа подшипниклар

ДУ-50 НЖ лукидонлари

РЗП чопқилари

Каржомалар

«Астра» кир ювиш парошоги

«Ятрань» электр ёзув машинкаси

Манзилимиз: Тошкент ш., Ҳ. Олимжон метроси, А. Икромов кўчаси», 4

Мурожаат учун телефонлар: 33-22-69, 34-62-34, 23-05-57 (кечки пайтларда).

Газета саҳифаланаётганда

ЎЗБЕКИСТОНДА КИТОБ БАЙРАМИ

ЮНЕСКОнинг 28-Бош конференциясида қабул қилинган қарорга мувофиқ ҳар йили 23 апрель бутун дунёда «Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни» сифатида нишонланади. Пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Шеърият хиёбонида таниқли адиблар, шоирлар, олимлар, ноширлар, ўқувчи ва талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирокида ана шу санага бағишланган тадбир ўтказилди. Уни Республика Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат вакиллигининг раиси Абдулла Орипов очди.

Хиёбонда кенг қуламда китоб савдоси уюштирилди. Унда республикамиз нашриётларида ҳамда хорижда чоп этилган ранг-баранг китоблар намойиш этилди. Китобсеварлар ўзлари ёқтирган асарлар муаллифлари билан учрашди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам шу куни Китоб байрами ва савдоси ўтказилди.

(ЎзА).

ИСТИЛО

Бир қўлида бут (крест), бир қўлида қурол билан бегунох одамлар қонини тўккан дин пешволари, илоҳият вакиллари Андрей Малов, Гаврил Ширяев, Седачевлар Тошкент, Самарқанд, Қўқон шаҳарларини босиб олишда кўрсатган «жасоратлари» учун император Александр II нинг фармони билан Георгий лентасида Маҳрам крести нишондори бўлгандилар. Россиянинг босқинчи генераллари ва зобитлари билан ёнма-ён юриб, жанг қилган «машхур» рассом ва мичман В. Верешагин, таниқли ёзувчи ва мўйқалам соҳиби, штабс капитан Каразин ва бошқа харбий тарихчилар,ёзувчи ва журналистлар ҳам Георгий крести ва шахсий номи битилган олтин қуроллар билан тақдирланган эдилар.

(Охири. Боши ўтган сонда)

Уқувчида гумонга ўрин қолмаслиги учун қўлимиздаги манбадан мисоллар келтирамиз: «Георгиевский Ковалерни» за время завоевания Средне-Азиатских владений. «Начальнику зачуйского отряда Генерального штаба генерал-майору Черняеву» за взятие крепости и города Чимкента и другие дела в 1864 году»; «Военному инженеру капитану Макарову Государст императором Александром II лично пожалован как прибывшему с донесением о взятии Ташкента 17 июня 1865 г; «Командующим войсками Туркестанского округа генерал-адьютанту фон Кауфману — золотая шпага на покорение Какандского Ханство в 1875 г; «генарального штаба подполковнику Скобелеву за дело с какандцами в 1875-1876 гг. золотая сабля» «за храбрость» и золотая шпага украшенная алмазами «за храбрость» ва хоказо.

Ўз-ўзидан равшанки, салтанат посбонлари урус зобитларига оқ подшо ҳазратлари бу хил олий даражадаги мукофотлар, унвон ва ёрлиқларини бекорга берилган эмас. Улар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг қонини тўкиб, юзлаб қишлоқ ва шаҳарларни вайрон қилиб, юрт бойлигини талон-тарож қилиб, Туркистон меҳнаткашлари бўйнига мустамлакачилик занжирини солган эдилар.

Россия империясининг қонхўр генераллари, князлари ва амалдорлари: Черняев, Веревки, Скобелев, Самсонов, Абрамов, Кауфман, Курапаткин, Ивановлар номи билан аталувчи жой номлари, шаҳар ва кўча номларининг ҳамон сақланиб келиниши ўзимизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиздан, туғрироғи сўқирлигимиздандир.

Тарих — ҳақиқат чироғи, бу чироқни босқинчилик урушлари, зулмат пардаси ҳам ўчира олмайди. Демакки, босқинчилик ҳеч қачон қаҳрамонлик бўла олмайди.

Биз тарихнинг ўқилмаган ва кам ўқилган «оқ» ва «қора» доғларига кўз ташлар эканмиз, рус демократ ёзувчиси А.Н. Герценнинг мана бу сўзларини ёдда сақлаш зарур бўлади: «Кимда ким оддий рус халқини рус хукуматидан ажрата олмас экан, унда у ҳеч нимани тушунмайди».

Дарҳақиқат, мехнаткаш халқ билан салтанат хукмдорлари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.Туркистонни босиб олишда кўплаб қон оқизган генерал Фон Кауфман: «Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади. Руслар ҳали Ўрта Осиёда бундай (Қўқондаги юришдагидек) узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар» деганди. 1838-40 йиллари Хивага қарши ҳарбий юриш қатнашчиси генерал-лейтенант Михаил Иванин ўзининг «Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур» (Санкт-Петербург, 1874 й) номли тарихий асарида ўзга ерларни босиб олишда ҳамма жосуслик найрангларидан, халқлар, миллатлар, элатларни бир-бирига қарши қўйиб гиж-гижлаш, улар ўртасига душманлик уруғини сепишлик воситаларидан фойдаланиш зарурлиги кўрсатади. Улар бошини бирлаштирмаслик айтилади. Ўрта Осиё халқларини алдаш, қўрқитиш йўли билан энг аввало, халқ бошлиқлари, мулло, оқсоқолларнинг бошини силаб уларнинг айтганларига рози бўлиш, мол-дунё билан алдаш, керак бўлса бузуқ хотинларни юбориш кераклиги ҳам Михаил Иванин томонидан тавсия этилган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерлари Россия империяси томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида босиб олиниб, Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирганликлари тўғрисида оқ ва қизил империянинг тарихчилари, ўрус генералларининг ўз асарларида, Ўрта Осиёлик тарихчилар, воқеанавислари ҳам ўз китобларида атрофлича ёритиб берганлар.

Ўтмиш тарих Ўрта Осиё халқлари учун унутилмас сабоқ бўлмоғи лозим. Дейдиларки, кўр хассасини бир маротаба йўқотармиш. Илоҳим шундай бўлсин.

Шу кунларда бутун халқимиз, Россия Думасининг СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорига қарши чиқмоқда. Қабоҳат салтанатини қайта тиклаш ниятида бўлган Россия Думаси, Россиядаги сиёсий партиялар, оқимлар гуруҳи, корчалон сиёсатчилар, калтабин раҳбарлар чучварани хом санамоқдалар. Мустақил Ўзбекистоннинг ўз йўли, ўз келажаги бор. Келажагимиз эса буюк давлат барпо этувчи бунёдкор ва зукко ёшларимиз қўлидадир.

Мажид ҲАСАНИЙ, ёзувчи ва журналист.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- Қуш уясида кўрганини қилади
- Хотам Той бўлиш осонми?

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Ҳомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 36-56-58; хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-53-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй Ёшлар ёзувчилари 54607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 0191. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ. Тираж — 9839. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6